

**Қонунчилик ҳужжатларига ички аудит хизматлари  
фаолиятига оид киритилган нормалар ва  
ўзгартиришлар**

# **“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги Қонун (ЎРҚ-1011-сон, 24.12.2024й)**

## **2-модданинг 4-қисми:**

“Вазирликлар ва идоралар ички аудит хизматлари томонидан баҳоланган тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.”

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (ПФ-227, 27.12.2024й)

Ўзбекистон Республика Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони 3-иловаси:

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда таркибий бўлинмаларни шакллантириш ҳамда лавозимларни жорий этишга оид ягона талаблар

...

Изоҳлар:

...

в) марказий аппаратларда стратегик режалаштириш ва методология, жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизматлари), инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш, ахборот таҳлил ва ижро интизоми, мурожаатлар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш, юридик таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, **ички аудит**, молия-иқтисод, халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар, биринчи бўлим таркибий бўлинмалари (лавозимлари) ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади.

...

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (ПФ-227, 27.12.2024й)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 июлдаги ПФ-100-сон “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармониغا:

<p>3. Ички назорат тизимлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:</p> <p>а) 2025 йил 1 январдан бошлаб молиявий ва бошқа хавфларнинг олдини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотларда уларнинг биринчи раҳбарлари бошчилигида коллегиял асосда «Хавфларни бошқариш» қўмиталари тузилсин. Бунда, ушбу ташкилотларнинг ички аудит хизматлари қўмиталарнинг ишчи органи ҳам ҳисобланади.</p> <p>...</p> <p>(учинчи хатбоши) <b>ички аудит хизматлари</b> томонидан тизим фаолияти ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш билан боғлиқ молиявий, операцион ҳамда ички назоратга оид аниқланган хавфларнинг рўйхати шакллантирилиши ва янгилаб борилишини таъминлаш;</p> <p>...</p> <p>(бешинчи хатбоши) хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича <b>ички аудит хизматлари</b> фаолиятини самарали ташкил этиш;</p> <p>(олтинчи хатбоши) ҳар чорак якуни бўйича хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш юзасидан <b>ички аудит хизматлари</b> томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича муҳокама қилиш;</p> <p>...</p>	<p>3. Ички назорат тизимлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:</p> <p>а) 2025 йил 1 январдан бошлаб молиявий ва бошқа хавфларнинг олдини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотларда уларнинг биринчи раҳбарлари бошчилигида коллегиял асосда «Хавфларни бошқариш» қўмиталари тузилсин. Бунда, ушбу ташкилотларнинг ички аудит хизматлари қўмиталарнинг ишчи органи ҳам ҳисобланади.</p> <p>...</p> <p>(учинчи хатбоши) <b>стратегик режалаштиришга масъул тузилмалар</b> томонидан тизим фаолияти ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш билан боғлиқ молиявий, операцион ҳамда ички назоратга оид аниқланган хавфларнинг рўйхати шакллантирилиши ва янгилаб борилишини таъминлаш;</p> <p>...</p> <p>(бешинчи хатбоши) хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича <b>таркибий бўлинмалар</b> фаолиятини самарали ташкил этиш;</p> <p>(олтинчи хатбоши) ҳар чорак якуни бўйича хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш юзасидан <b>таркибий бўлинмалар</b> томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича муҳокама қилиш;</p> <p>...</p>
--	---

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (ПФ-227, 27.12.2024й)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 июлдаги ПФ-100-сон “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” Фармони 4-иловасига:

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан «Масофавий аудит» ахборот тизими орқали тақдим этилган хавф (риск) таҳлилларни бошқариш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тadbирлар	Муддатлар
1-босқич	Ҳисоб палатаси	Аниқланган риск-таҳлилларни «Масофавий аудит» ахборот тизими орқали тегишлича вазирлик ва идораларга юбориш	Уч кун муддатда
.....			
5-босқич	Вазирлик ва идораларнинг «Хавфларни бошқариш» қўмиталари	Риск-таҳлиллар юзасидан <b>барча таркибий тузилмалар (ички аудит хизматлари)</b> томонидан амалга оширилган ишларни қўмиталар йиғилишларида муҳокама қилиш ва Ҳисоб палатасига ахборот бериш	Ҳар чоракда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги ПҚ-455-сонли “Ўзбекистон Республикасининг «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори**

15-банд:

Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигида бир ой муддатда дастурий бюджетлаштириш тизими жорий этилаётган вазирлик ва идоралар тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида **3 та штат бирлигидан иборат бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлими** ташкил этилади.”